# Оила ва жамият

28 сон

22–28 июль 1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси


# МУСТАҚИЛ ВАТАН ТИМСОЛЛАРИ



*Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир.*

**И. КАРИМОВ.**

## УШБУ СОНДА


2-бет
ЁРУҒЛИК ЙЎЛИ

3-бет
КЎНГИЛНИНГ ЙЎРИҒИ БЎЛАК...

БИР-БИРИМИЗНИ СЕВАМИЗУ, АММО...
4-бет

ЭНДИ БИЗГА ИШҚ ЙЎЛЛАРИ ХАТАРЛИДИР...
6-бет

ҚЎШ ТОҒИМДАН АЖРАЛГАНИМДА...
7-бет

БОРМИСАН, ХАЛОСКОРИМ...
8-бет


УШБУ СОНДА

ИСТИҚЛОЛ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

# ЁРУҒЛИК ЙЎЛИ

*Ватанимиз озодликка эришганига етти йил тулмоқда. Биз бу гапни шунчаки айтмаймиз. Ғурур, шукроналик билан айтамиз. Ундан ҳам купроқ жавобгарлик, масъулият билан айтамиз. Чунки озод инсон бўлиб яшамоқ — осон эмас. Бу — кишидан мунтазам ҳаракат, мунтазам интилиш, муттасил янгиланишни талаб этади. Озод инсон рутбасига одам боласи минг бир сўқмоқлардан юриб интилади. Аммо бу сўқмоқларнинг барчаси қайсидир нуқталарда маърифат билан туташади. Маърифатсиз мустақиллик бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз, ҳукуматимиз озодлигимизнинг илк кунлариданоқ маънавият, маърифат соҳасига алоҳида урғу берди. Жамиятдаги барча муаммолар инсоннинг зиёли қалбига келиб ечим топишига диққатни қаратди. Мактабларда янги ўқув программалари, дарсликлар яратишдан бошланган жараёнлар «Кадрларни тайёрлашнинг миллий дастури»гача етиб келди. Маърифат йўли — ёруғлик йўлидир. Беруний туман халқ таълимига қарашли 1-лицей директори Шарифа Эгамбердиева билан суҳбатимиз ҳам Истиқлол ва маърифат мавзусида бўлди. Бу лицей Ватанимизда истеъдодли ёшларни маълум соҳага йўналтириш мақсадида ташкил қилинган янгича ўқув масканларидан бири.*

**— Шарифахон, лицей ўз мақсади, фаолияти жиҳатдан биздаги мавжуд ўрта таълим мактабларидан анча фарқ қиладиган муассасадир. Сиз ҳам, ҳамкасб муаллимларингиз ҳам 80-йилларда олий ўқув юртларини битирган экансизлар. Янгича иш билан сиздаги тайёргарлик бир-бирига мос келяптими? Қийинчиликлардан қандай чиқяпсизлар?**

— Аввал, рухсатингиз билан, бироз лицейимиз ҳақида маълумот берсам. Биз табиатимизга кура энди ташкил қилинажак академик лицейларга база ҳисобланамиз. Тарих, химия, биология каби фанларни чуқур урганамиз. Абдулла Холмуродов, Хотира Султонова, Марям Мулжонова каби туманимизнинг кучли муаллимларини танлов асосида ишга олганмиз. Шиоримиз: «5»га ўқисанг, мақсадингга етасан, «3»га тушсанг, уз мактабингга кетасан».

Ўқувчиларни ҳам тест синовлари билан қабул қиламиз. Энди саволингизга келсак, бир қолипдаги аста-секинлик билан одимлайдиган эски мактаб тартиботи бизни зериктирган эди. Қолиплардан чиқишни истайдиган ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам бор эди. Мустақиллик ана шу эҳтиёжга имкон берди. Биз иштиёқ билан ишлаймиз, қийинчиликларимиз ҳам ёкимли. Ўқитувчиларимиз соатлаб кутубхоналарда ўтиришади, материаллар топишади, болалар ҳам изланади. Бизда маош оддий мактаблардан кўра 20 фоиз зиёдроқ.

**— Илм игна билан қудуқ қазишдай гап. Аста-секинлик билан бўлади. Аммо икки-уч йилдаёқ изланиш натижалари кўриняптими?**

— Албатта. Эски тузум даврида илмга иштиёқ сўна бошлаган эди. «Барибир ўз билганинг билан олий уқув даргоҳларига кириб бўлмайди. Ё зўр, ё зар» деган хулоса танда ташлаган эди болалар йўлига. Йилига 20, 19 нафар уқувчи лицейимизни битираётган бўлса, 80—90 фоизи ўз иқтидори билан университет, институтларга кирмоқда. Демак, улар эртаги ҳаётига пойдевор қўйишаяпти. Эртасини таъминлаяпти.

**— Баъзи янгиликлар сувлоқдаги оролдай ўз-ўзича яшайди. Сизнинг лицейингизни тумандаги оддий одамлар, масалан, деҳқонлар, ишчилар ҳис этадиларми? Билишадими шу даргоҳ борлигини?**

— Биз лицейда жуда кўп сиёсий, маърифий, кўнгилочар тадбирлар утказамиз. Ота-оналарни, яқин қушниларни таклиф этамиз. Биласиз, юртимиз тарихи жуда довругли, ён-атрофимизда унлаб қалъалар қолдиғи бор. Биз ўша жойларга саёҳат қиламиз. Ёши улуғ одамларни таклиф қилиб суҳбатлар утказамиз. Шунинг учун булса керак, борлигимизни туманда купчилик билади. Бизга фарзандларини беришга иштиёқмандлар тобора ортмоқда.

*... Шарифа Эгамбердиева мактаб муаммоларига ҳам тухталди. Ўқув жараёнини техникалаштириш ишларини амалга ошириш мураккабликлари ҳақида гапирди. Энг муҳими, лицей директори уз уқувчиларининг деярли ҳаммасининг феъл-атвори, қизиқишларигача аниқ биларкан. Аниқлик — бу мустақилликнинг иш услубларидан биридир. Мен XXI аср дарвозасини маърифат калити билан очишга интилаётган ёшлар ва уларнинг куюнчак устозларига ирода, саломатлик тилайман.*

***Қутлибека РАҲИМБОЕВА***

СУРОВНОМА

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ~ БАХТИМИЗ ~ ТАХТИМИЗДИР

**1. Ватанимиз мустақиллиги сизнинг шахсий ҳаётингиз, оилангиз, қон-қариндошларингиз тақдирида қандай аҳамият касб этди?**

**2. Ўтган етти йил давомида мамлакатимиз миқёсида, оилангиз доирасида юз берган қайси ўзгаришларни алоҳида қайд этишни истардингиз?**

**3. Ватан иқболи—истиқболи ҳақида ўйларкансиз хаёлингиздан нелар кечади?**

1) Ота-боболаримизнинг асрий орзуси—мустақиллик. минг шукурки, сизу-бизга насиб қилди. Эндиги мақсадимиз эзгу, биз янги демократик одил жамият қуриш сари интилмоқдамиз. Жамиятнинг асосий бўғини эса — оила. Оила фаровонлигини ошириш давлатимиз сиёсати даражасидаги ижтимоий аҳамиятга эга масаладир. Миллий қадриятларимизнинг тикланиши, айниқса қувонарли ҳолдир.

Оила доирасида, фикр юритадиган булсак миллий ва диний маросимларни ҳадиксиз, қурқувсиз утказаяпмиз. Уқувчи укаларим учун янги чиққан тарих китобларини куриб хурсанд буламан. Тарихимизга холис муносабат мени қувонтиради.

2) Утган етти йил мамлакатимиз ҳаётида туб узгаришлар даври булди. 1997 йил қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жуда мукаммал, пухта ишланган. Уни ҳаётга татбиқ этилса ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашдек эзгу мақсадимизга мувофиқ бўлар эди.

Кейинги йилларда Олий ўқув юртларига талабаларни тест синовлари асосида қабул қилинаётганлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Авваллари билими бору пули йўқ неча-неча йигит-қизлар қолиб, пули бору билими йўқ бойваччалар ўқишга кириб кетарди. Шунинг учун камбағалроқ оиладан чиққан аълочи болалар 10—11-синфларга борганда кўнгли совиб, ўқишни ҳам ташлаб юборарди. Эндиликда тест воситасида ҳақиқий билими, иқтидорли, талабалик талабларига жавоб бера оладиган ёшлар саралаб олинаяпти. Бизнинг оиламизда ҳам шу йиллар ичида тўрт киши тест синовларидан муваффақиятли ўтиб Олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилиндик. Бу йил укамиз ҳам Тошкентдаги Олий Бош Қўмондонлик ҳарбий билим юртига синов босқичларидан муваффақиятли ўтиб оиламиз ишончини оқламоқда. Бундай ҳарбий билим юртларининг очилиши ҳам истиқлолнинг бизга берган яна бир неъмати. Акс ҳолда ёшлигидан саркарда бўлиш орзуида юрган укамнинг ниятлари амалга ошмас эди.

3) Мустақиллик бизга бахтни эмас бахтга элтувчи кенг имкониятлар йўлини очиб берди. Бахтни эса биз узимиз уз қулимиз билан, ҳалол меҳнатимиз билан яратамиз. Ватан истиқболи ҳақида ўйларканман, кўнглимда ана шу истаклар элимга, халқимга хизмат қилиш, фарзандлик бурчим, шу азиз Ватанга фуқоролик бурчим мени нурли келажак сари ундайди.

***Ҳикматилло ЛАТИПОВ***
***ТошДУ Иқтисод факультети толиби***

*1. Тарихан қисқа муддат — етти йил ичида шахсий ҳаётимда кўп ўзгаришлар содир бўлди. Энг асосийси мен узлигимни англадим, уз қадримга етмоқликни ургандим.*

*Мен — ўқитувчиман. Дарсларда узим билган, миллий, тарихимизга мос келадиган фикрларни ёшларга эркин баён эта олаяпман. Ҳар бир синф тарбиясига алоҳида, вазиятдан келиб чиқиб ёндошаман, юқоридан кўрсатма кутишга эҳтиёж йўқ. Собир Раҳимов туманидаги «Чимбой» маҳалласида оқсоқоллар қўмитаси раиси муовини, ёшлар қумитасининг бошлиғи сифатида фаолият кўрсатаяпман.*

*2. Ўтган етти йил ичида қизим Тошкент Педиатрия олийгоҳига уқишга кирди. Кириш имтиҳонлари тест-синов услубида ҳақиқий булганлигини қайд этиш лозим. Икки кичик фарзандларим қобилиятига кўра бир йилда икки синфдан ўқишаяпти. Истиқлолдан аввал бу имконият ҳам йўқ эди.*

*3. Ватанимиз ривожланган, қудратли мустақил юртга айланади. Уни билимдон, заковатли ёшлар бошқаради. Ана шуни ўйлашнинг ўзи кишини ҳаяжонлантириб юборади.*

**Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ, уқитувчи.**

Истиқлол шабадаси

## МИНГ МИСОЛДАН БИР МИСОЛ

Шуролар даврида бир дона велосипед ишлаб чиқарадиган корхонаси булмаган она юртимда истиқлол туфайли жаҳондаги 27-давлат бўлиб енгил машиналар ишлаб чиқарилиши бир мўъжизанинг узи эмасми?

Аҳён-аҳёнда булсада яқин утмишимизни қўмсашга мойил гап-сузларни эшитганда хуноб бўлиб кетаман. Ана шунда шўролар давридаги мутелик тузуми билан мустақиллигимиздаги эркин ҳаёт орасида осмон билан ерча фарқ борлиги ҳақида баралла айтгим келади. Чунки у ҳукумат одамларни маълум бир исканжа остида тутиб туришга одатланган, одамлардаги ижодкорлик, тадбиркорлик хислат ва фазилатларини сўндириш пайида эди. Муттасил хавотир остида яшаш, меҳнат қилиш одамларнинг онгига, шуурига қўрқувни, журъатсизликни сингдириб юборган эди. Бунинг натижасида ялпи мутелик, қуллик хушомадгўйлик, ўз соясидан чўчиш сингари иллатлар илдиз отган эди.

Узим туғилиб ўсган С. Раҳимов туманидаги мўъжазгина «Ғуручариқ» маҳалласидан мен билган қанчалаб одамлар бир-бири билан ёқалашиб эмас, қулида гулдек ҳунари бўлгани учун қамалган эди. Шундайлардан Жўра ака Қосимов атиги ота-боболарининг касбикунчилик билан шуғуллангани учун, Обид ака Ёқубов эса махсидўз бўлгани учун, аёллардан — Хотира опа дўппидузлик қилгани учун, Хосият опа Носирова эса савдогарлик қилгани учун турли муддатларга қамалиб чиққан эди. Булар минг мисолдан бир мисол, холос.

Мана етти йилдирки мустақиллик шундай одамгарчиликка ёт иллатларни онгимиздан ситиб чиқараяпти, озод инсон эканлигимизни таъкидлаяпти. Истагим, тилагим: Илоё, юртимиз-элимиз бошидаги истиқлол байроғи мангу ҳилпираб тураверсин.

***Саидмурод САИДАҲМАД***

**Мулоҳаза**

# БИР-БИРИМИЗНИ СЕВАМИЗУ, АММО...



Таҳририятга қуйидаги мазмунда хат келди: «Ҳурматли редакция! Мен турмуш ўртоғим билан 5 йил гаплашиб юриб турмуш қурган эдим. Ана шу йиллар бизга бир-биримизни билиб олиш учун ҳақиқий синов йиллари бўлди. Шу йиллар ичида биз деярли бир кишига айландик, ҳисоб. Турмуш қурганимиздан кейин орадан 4 йил ўтгач эса... Тўғри биз ҳамон бир-биримизни севар, тушунар эдик... Лекин атрофимиздаги, атрофимиздаги одамлар...

Туйимиз бўлиб ўтганидан кейин ҳеч қанча вақт утмасдан эшитганларимга қараганда қайнонам мени «ўқиган қиз, ўзинг топдинг, бизга тўғри келмайди», деган гаплар билан норози бўлиб келин қилишган экан. Хуллас, тишимни тишимга қўйиб, эрталабдан то қош қорайгунча тиним билмай хизматларини қилсамда, уларнинг кунглига йўл топа олмадим. Ҳатто турмуш ўртоғим билан уларнинг олдида гаплашиш у ёқда турсин, худди бир-биримизга бегонадек эдик. Мен бошида бунга куниколмадим. Кейин у кишидан сабабини сўрагаНимда «онам хоҳламайди буни», деб жавоб бердилар. Мен у ерда узимни худди бегонадек ҳис қилардим. Турмуш уртоғимдан хафа бўлишга ҳаққим йўқ, тўғрироғи уни тушунишга ҳаракат қилардим. У билан гаплашиб қолсам ёки бирор жойга бормоқчи бўлсам қайнонамнинг қовоғи уйилиб кетарди. Биргина мисол: уқишни тугатар йилим (сиртдан уқирдим) ёзги имтиҳонларни топшириб келиш учун Тошкентга кетмоқчи эканлигимни эшитган қайнсинглим «акам ҳам борадими, сиз билан» деб сўраб қолди.

— Акангиз бормаса 2 ойлик чақалоқ билан нима қиламан, қолаверса, пулим йўқ, у ёқда мени ким боқади, деб жавоб бердим. Уч кундан кейин йўлга отландик. Ўша уч кун мобайнида қайнонам ҳам, оиланинг бошқа аъзолари ҳам бизга гапирмай қўйишди. Мен кўзимда ёш билан, турмуш уртоғим хомушланиб йўлга тушдик. Турмуш ўртоғим уйидагиларнинг менга муносабатини кўриб раҳми келар, лекин уларга-да ҳеч нарса деёлмасди. Баъзан йиғлаган кунларим «Мен нима қилай, уйимдагиларга хотин туфайли бирон нарса деёлмайман, бошқа яшайлик десам кенжа фарзандман уларни ташлаб кетишга ҳаққим йўқ», дерди. Иккинчи фарзандимни туғиб уйга қайтгач 3 кундан сўнг қайнонамнинг катта қизлари бешик тўйи қиладиган булиб қолди. Ҳали қувватга кирмаганимга қарамай хамир қилиб нон ёпдим. Нонлар тўла саватни кутаришимни биламан, бошим айланиб қоқилиб кетдим — ошхонага етар-етмас ҳушимдан кетибман.

Касалхонадан чиқаётганимда кўп қон йўқотганлигимни, оғир иш қилиш мумкинмаслигини духтирлар қайта-қайта тайинлашди. Касалхонага қай аҳволда тушганимни эшитган акам ота-онамнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, мени куч-кsurvived bilan уйга олиб келди. Аввалига «нотуғри қилдим», деб ўйладим. Кейин эса ҳали ҳануз камқувватлигимни, касалдан бошим чиқмаётганлигини ўйлаб туғри қилган эканман, «ҳозир агар эримникида юрганимда менга кимнинг раҳми келарди», деган хулосага келдим. Туққан аёл мадорга киргунча оғир иш қилмаслиги кераклигини наҳотки қайнонам билмаса, ахир ўзининг қайси қизи туғса, ойлаб туриб кетиши ҳеч кимга сир эмас-ку.

Хуллас бошим қотиб қолди. Қандай йўл тутишимизни, нима қилишимизни билмай аросатдамиз».

**Т. Миролимов;** Тошкент шаҳри: Хотиним билан севишиб турмуш қурганмиз. Тўйгача ҳеч қачон бир-биримизни хафа қилмаган эдик. Тўйдан кейин хотиним уйига тез-тез кетиб қоладиган одат чиқарди. Уни урмасдим, сўкмасдим. Бир куни сабабини билиш учун ота-онасининг олдига бордим. Қайнона-қанотамдан бор гапни тушунтириб беришларини сўраганимда, минг пушаймонлар бўлдим. «Қизим сизга турмушга чиқиб ҳеч бир ўйнаб кулолмади, на ейиш ичишининг тайини бор, на эгнидаги кийим бошини. Боқолмасангиз нима қиласиз хотин олиб, қизим бечора дунёга бир келади, гулдай ёшлиги сўлиб бўлди», бундан бошқа яна қанча гапларни тўкиб солди. Ахир бахт яхши еб-ичиш, ёки яхши кийим-кечакдами? Тўғри мен ҳозир хотинимнинг талабларига жавоб бера оладиган даражада пул тополмайман, чунки бу ёқда буйдоқ укаларим, рўзғор катта. Хотиним онасиникига бормаган пайтлари жуда аҳил яшаймиз. У уйига бориб келса ёки опа-синглиси келиб кетса 2—3 кун уйда ғурбат. Уларнинг гапига қулоқ солмасликнинг иложи йўқ, чунки ҳаммамиз хом сут эмган бандамиз, қолаверса, «гап ҳар қандай одамни бузади», дейишади-ку.

Ёш турмуш қурган оилаларнинг бузилиб кетиши кўп ҳолларда атрофдагиларга боғлиқлигини ҳисобга олмасдан айбни эр ёки хотинга тўнкаймиз. Аксарият ҳолларда «Эй севги-севги дейсизлар, қани ўша севги-муҳаббат, фалончилар Лайли Мажнундек ҳамманинг ҳавасини келтириб севишиб юриб-юриб турмуш қуришди. Турмуш қурганларидан кейин севгилари мустаҳкамланиши урнига бир-биридан кўнгли совиб ажраб кетишди. Тўйлари бўлмасидан олдин бир-бирини тушунган кўнгиллар, бир ёстиққа бош қўйгач наҳотки бир-бирини тушунмай қўйишса. Эй, севги аслида йўқ нарса», деган гапларни эшитиб қоламиз. Аслида-чи?

— Уйга тезроқ кетсам эди, — дейди ёшгина келин, бир боланинг онаси.

— Нега эрингиз бу ерда, сиз қишлоқда — қандай кўнглингиз булади алоҳида яшашга дейман.

— Ҳозир ҳам алоҳида яшаётгандан фарқимиз йўқ. Ўзи ётоқхонада бир хонада турсак. Унинг устига бир ой қайнакам малака оширишга келиб турса, бир ой қайнукам сиртдан уқишига келиб турса, мана ҳозир қайнсинглим уқишга ҳужжат топшириш учун келди. Бир хонада тиқилиб, нима зарил.

— Уларга бошқа жой беришмайдими? Ахир ёш оила бўлсанглар, унинг устига болангиз ҳали чақалоқ.

— Ана бир ойга ҳеч қанча пул тўламасдан қолганлар яшаб ётибди. Лекин булар бошқа жойда туришмайди. Бу ердаям алоҳида хонага тўлаши керак бўлган пулни тўлашади.

— Эр-хотин муносабати дегандай...

— Эрим билан ҳеч тушагимиз бирга солинмайди. Ака-ука тепада мен мана бу пастроққа жой солиб ётаверамиз. Аввалига уларнинг олдида ётиш жуда ноқулай булди. Ҳозир куникиб кетганман. Тушагимиз алоҳида булгандан бери у билан бегонадекман. Бу ерда қийналиб, тор хонада яшагандан кура кишлоқда юрганим яхши. Шундай дейману... Овсиним яқинда эри билан ажрашиб кетди. Қайноғам шаҳарда ишлардию, овсиним биз билан қайнонамникида турарди. Қайнонам гарчи қўлида биз — келинлари булсакда, ўша овсинимни эрининг олдида яшашига қўймасди, жунатмасди. Охир нима бўлди? Қайноғам бошқасини топиб уйланиб кетди. Қанчадан бери қишлоқда қайнонанинг хизматини қилиб юрган овсиним эри билан ажрашди. Овсиним шурлик охирги марта қайнонамга куз ёшини оқизиб «мени шаҳарга, эримнинг олдига жунатмадингиз мен бу ерда, у уёқда тушагимиз совиб, алоҳида-алоҳида яшаганимиз сабаб ўғлингиз бошқасини топди. Бунга сиз айбдорсиз», деган гапига, қайнонам пинагини бузмай «Сиз яхши булганингизда уғлим бошқаси билан кетмасди айб ўзингизда», деб овсинимни айбдор қилди. Мана ҳозир мен ҳам эримдан кўнглим қолиб кетди. Эр-хотинга ўхшамаймиз. Булар ўзи ҳеч нарсани тушунмайди ёки атайлаб қилишади.

Шунда хаёлимга «Меҳр кўзда» деган гап келади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ахир ҳадисларимизда «Эр-хотин аразлашиб қолган тақдирда ҳам 3 кундан ортиқ жой алоҳида солинса бошқатдан никоҳ ўқитиш лозим» деган гаплар бекорга айтилмагандир.

**ЯНА БИР МАКТУБ:**

«...Қайси она ўз фарзандига ёмонлик қилишни истайди. Мен ҳам ана шундай истак билан яшаб келаётган оналардан бири эдим. Ёлғизгина ўғлимни еру-кўкка ишонмай устирдим. Фарзандимга дунёдаги ҳамма яхшиликларни қилаверсам, дер эдим. Ана шу ниятда узи ёқтирган, менга ҳам маъқул бўлган қизга уйлантирдим. Келинимнинг елиб-югуришлари, ўғлимга меҳрибонлик қилишлари менга купам ёқавермасди. Хаёлимда у ўғлимнинг бошини айлантириб, мендан бездириб, уйимдан олиб кетаётгандай бўлаверди. Аста-секин келин кузимга ёмон кўриниб, менга қилган меҳрибонликлари ғашимга тегадиган бўлиб қолди. Энди қандай бўлмасин келинимга панд бериш, уни уғлимга ёмон кўрсатиш ҳақидаги фикрлар хаёлимни банд қилиб олди. Уринишларим зое кетмади. Аста-секин ўғлим ҳам ўйчан, зардали бўлиб қолди. Келин ҳам бирда ўғлимга, бирда менга жаҳл қиладиган одат чиқарди. Оқибатда куза синадиган кун ҳам келди. Келиним боласини етаклаб, онасиникига кетиб қолди. Шундан сунг кўнглим жойига тушгандай бўлди. Лекин ўғлим довдираб ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Бунинг олдини олиш мақсадида соддагина қизга уйлаб қўйдим. Аммо ўғлим энди тез-тез арoқ ичиб келадиган, ўртоқларига ҳам қўшилмай уззу-кун шифтга тикилганча хаёл суриб ётадиган одат чиқарди. Қисқаси ўғлим бошқа оламга айланди-қолди. Ёлғизимни қандай аҳволга солиб қўйганимни энди билаяпман. Биргина ўз хоҳишим учун бирданига беш кишининг кўзларини ёшга тўлдириб қўйганимни энди англаб етдим. Авалги келиним турмушга чиқди, энди уни қайтариб булмайди. Бунисиям кетиб қолди. Айтинг, яхшилар! Нима қилсам ўғлим, ёлғиз суянганим, азиз фарзандим авалги ҳолига қайтади. Ҳувиллаган уйимда невараларнинг кулгиларини эшитиш учун нималар қилишим керак, айтинг, айтинг азизлар?».

**Мана мактублардан кўрганларимиз, эшитганларимиз орқали ёш оилаларнинг бузилиб кетишига купинча атрофдаги «меҳрибонлар» сабабчи эканлигини билиб олдик. Шундай эмасми?**

***Барно СУЛТОНОВА***

Бор бўлсин, одамгарчилик

# КЎЗЛАРИНГДАН АЙЛАНАЙ, БОЛАМ...

Бир куни таҳририятимизда «Ҳуқуқ» газетасида босилган бир бағритош ота ҳақидаги мақолани изтироб ва ачиниш билан ўқиб, муҳокама қилиб ўтирардик. Қалбимизда оғриқ пайдо бўлганди... Ўз фарзандларига нисбатан шунчалик бағритошлик қилаётган отани кўз олдимизга келтира олмасдик...

Шу пайт хонамиз эшиги очилиб, ухлаб ётган жажжигина болакайни кўтариб олган бир киши «Мумкинми?», — дея кириб келди. Тушкун кайфиятимиз тарқаб, қандайдир жонланиш пайдо бўлди. Бир пасдан сўнг бола уйғониб сув сўради. Барча ёзув-чизувдан толиққан эмасми, баҳона топилди. Гўдак уйғониб, бирданига ходимларимиздан бирига талпинди. Ўша болача билан андармон бўлиб, унинг отасидан ҳол-аҳвол сўрамабмиз ҳам. Амакига бир пиёла чой тутқазиб суҳбатлаша бошладик.

— ...Ҳамма гап шундаки, қўлингиздаги шу болани — Сарваржонимни ҳаддан ортиқ суяман-да.

— Бу табиий ахир. Бола ўғлингиз бўлса...

— Э, гап унда эмас, бунинг тарихи узоқ, — деди уф тортиб. — Бундан бир ярим йил аввал шу бола сабаб хотинимни қаттиқ ранжитгандим. Энди эса, шу боис ўзимни асло кечира олмаяпман.

— Сизни шунчалик изтиробга солган нима экан?

Жуманазар ака воқеани қисқача айтиб бергач бизда бу оила билан танишишга иштиёқ уйғонди. Эртасига уларнинг уйига бориб, Рислиғой опа билан танишдик. Узоқ суҳбатлашдик...

— Бир оқшом «Истиқлол» бекатида уйга қайтиш учун автобус кутиб тургандим. Ёшгина бир қиз ёнимга келди. Қўлида йўргакланган чақалоқ.

— Боламни ушлаб туринг, ҳозир келаман, — дедию кўздан ғойиб бўлди. Мен эса ҳеч нарсадан шубҳаланмасдан чақалоқни кўтариб тураверибман. Бир пайт, қоронғулик қуюқлаша бошлади. Уйга кетишим керак бўлган автобуслардан бир нечтаси келиб, кетдиямки аммо боланинг онасидан дарак йўқ. Охири атрофни қидира бошладим. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Ҳамма ҳайрон бўлади. Охири чарчаб, совқотиб «Нима бўлса бўлар», дея уйга жўнадим. Эрим болани кўриб аввалига ҳайрон бўлди. Кейин жаҳли чиқди. «Нима қилиб қўйдинг ахир? Эртага суд, милиция савол-жавоб қилиб бошингни қотиради. Жавобгарликка тортиб юбориши ҳам мумкин. Бу воқеага мен ишонарман, лекин бошқаларни қандай ишонтирасан?» — деди эрим жаҳл билан. Шунда орамизда гап ўтди. Ўзим ҳам нима қилишимни билмасдим. Бола йиғлагач, унинг йўргагини алмаштирмоқчи бўлдим. Қарасам йўргакда туғилганлиги ҳақидаги маълумотномаси борлигини кўриб қолдим. Ҳамма гапга тушундим. Эрталаб яна ўша жойга бориб, аёлни излайдим. Лекин ҳаммаси бефойда эди. Ҳориб-толиб уйга келсам, катта қизим Гулнора чақалоқни кўтариб юрибди. Кичик укалари атрофида парвона бўлиб юришибди. Бу манзарани кўриб юрагим бир қалқиди... Кейин гўдакка нисбатан қалбимда бир меҳр пайдо бўлганини ҳис этдим. Болани бағримга босарканман бу ниятимга қатъий қарор қилдим. «Расмийлаштириш учун милицияга бораман», дедим.

Милицияга борганимда улар болани расмийлаштиргунга қадар Гўдаклар уйига беришни тавсия этишди. Бунга аранг рози бўлдим. Лекин икки кун ўтгач, бола касал бўлди. Юқумли касалликлар шифохонасида бир ойча даволатдик. Ўзим ишлаётган иккинчи автобус парки раҳбарларига бўлган воқеани айтиб берган эдим, улар моддий ёрдам бериш билан бир қаторда болани парваришлаш учун таътил ҳам беришди. Кичик ўғлимиз Сардор «унга Сарвар деб исм қўясизлар», дея туриб олди. Хуллас, уйимиз янада шодликка тўлди. Аммо, Сарварни ўзимизга расмийлаштириш учун бўлган овораю сарсонгарчиликларни айтаверсам... Ҳали суд, ҳали ҳокимият, ҳали комиссияга қатнаш. Сарваримизнинг дарагини эшитганлар биров шунчаки қизиқиб, яна биров ҳавас қилиб, бировлари эса пул, уй ваъда қилишиб, болани сотишимизни сўрашарди. Тўғри, ошиб-тошиб кетаётган жойимиз йўқ. Оддийгина яшаймиз. Лекин барибир болани ҳеч қандай дунёга беришни хаёлимизга ҳам келтирганимиз йўқ. Унга шу қадар ўрганиб қолганмизки, ҳатто ўз фарзандларимизни ҳам унутиб қўйгандек бўламиз.

Умр йўлдошим ишдан келиши билан Сарваржонни қўлига олади. Касал бўлиб қолса, тунлари ухламай бошида ўтириб чиқади. У саккизинчи автопаркда паттачи бўлиб ишлайди. Шукур, маҳалладан, иш жойларимиздан ёрдам бериб туришади. Лекин гап совға-саломда ҳам эмас. Сарваримиз аҳил оилада ўсаяпти. Инсонга энг муҳими яхши, бахтли оилада. Баъзан кўпчилик бадавлат хонадонларга насиб этмаган меҳру-оқибат, эзгулик бизга насиб этганлигидан хурсандман. Шодлигимнинг яна бир сабаби, юртимизнинг тинчлигидир. Бизнинг уч фарзандимиз қатори бағримизга олган Сарваримиз мустақил ва обод элимизда вояга етади. Ҳатто хорижга бориб билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Биз ўзимиз оддийгина яшасак ҳам, келажакда фарзандларимизнинг ўқимишли бўлишлари учун ҳеч нарсани аямаймиз. Айниқса, Сарварим... У жуда бошқачада, шу боламдан умидимиз катта...

Рислиғой опа сўзлаётган чоғда ўзининг исмини эшитган Сарвар ойисининг ёнига югуриб келди. Бўйнига осилиб кўзларини юмиб турди. Рислиғой опа унинг кўзларидан ўпар экан. Бу қилиғи унинг кўзларимдан ўпинг дегани, «Кўзларингдан айланай дўмбоқ болам», деди.

Римлик рассомлар тасвирлаган манзарага ўхшаш табиий, гўзал бу кўринишдан кўзларим ёшланди. Зеро, меҳр, эзгулик, оқибат деган туйғуларни ифодалаш мумкинмикан?

Назаримда инсонларнинг бу дунёдаги энг эзгу ишларидан бири — савоб дегани шу эмасми?

Жуманазар ака ва Рислиғой уйидан қайта туриб шулар ҳақида ўйладим.

*Басира САЙЙИД АЛИ*

## ИБН СИНО САБОҚЛАРИ

**Қалам-пирмунчоқ**

● — Қалампирмунчоқ оғиз ҳидини ёқимли қилади.

● — Кўзга тушган пардаларга фойдалидир.

● — Меъда ва жигарни кучайтиради, қусиш ва кўнгил айнишига ҳам даводир.

**ТУРП**

● — Турпни мастак уни билан аралаштириб ишлатилса «тулки касаллиги»да мўйни чиқаради.

— Уруғи эса аъзоларда пайдо бўлган қизғиш қонталаш, бошқа ёт рангларга, зарбанинг изларига ва сепкилга фойда қилади.

● — Етмак билан қўшиб суртилса оқ доғни кетказади.

● — Агар уни асал билан қўшиб суртилса ёмон ва сутли яраларни кўпоради, уруғи сирка билан қўшиб ишлатилса, гангреноз ярани бутунлай кўпориб ташлайди.

● — Уруғи бўғинлардаги лўккиллашни қайтаради. Бўғин оғриқларига яхши таъсир қилади.

● — Сиқиб олинган суви ва ёғи қулоқдаги ел бодга жуда фойдалидир.

● — Писта ўзидаги аччиқлик ва хушбўйлик билан жигардаги тиқилмаларни очади. Ёғи қуюқ хуллиқдан пайдо бўладиган жигар оғришига даво бўлади.

**ПИСТА**

● — Писта кўнгил айнишини қайтаради.

*С. САЙИДАҲМАД.*

## «ЎРТАНИБ ЯШАЙМАН»

**«Оила ва жамият» — 23 сон**

Акс садо

Хоразмлик синглимиз Бахтигул Ҳусанованинг мактубини ўқиб қолдим.

Мақола муаллифи Бахтигул Ҳусанова шошилганиданми ёки истиҳола қилганиданми, асосий жанжалга сабаб бўлган воқеаларни кўрсатмаганлиги кўриниб турибди. Аланга бирданига авж олмайди, буни ҳамма билади.

Бахтигулнинг ёзишича, ёмон оилага тушмаган экан, эри Йўлдош ҳам ёмон йигит бўлмаган экан. Ундай бўлса ким ёмон экан, деган савол ўйлантириб қўйди. Балки «рашк» ёмондир. Аввалига яхшиликча гапириб кўрдим, дебдилар. Эркак одам аёл кишининг булар-бўлмас терғаганини ёмон кўради. Бахтигулни хатоси ана шу ерда.

Хуллас, ширин ҳаёт сену менга бориб етиб, ғишт қолипдан кўчган Бахтигулнинг «Суд котибаси Муборак Ражабова кул қўйдирган қоғози туфайли ягона ўғлимдан жудо бўлдим», — деган давоси, менимча ўринсиз деб ўйлайман. Чунки котиба суд қарорини расмийлаштиради, холос.

Агар туман суди Бахтигулни саломатлиги болага қараш учун етарли даражада эмаслиги туфайли бола тарбиясини отаси Йўлдошга ўтказиб берган бўлса буни нимаси ёмон? Чунки у ота. Боласига қарашга мажбур. Бахтигул ташвишланмаса ҳам бўлади. Фарзанди эсон-омон катта бўлса онасини ҳам топади.

Шунисини ҳам унутмаслигимиз керакки, қонунчиликда судлар эр билан хотинни боласига қарашга тенг мажбур қилади. Лекин, эр билан хотинни бирга яшайсан деб мажбур қилолмайди. Инсоф ўзларига бермаса қийин масала. Бахтигулга маслаҳатим шундай: Эрингиз Йўлдош мард бўлиб уйланган экан, номард бўлиб ташлаб кетибди. Бу уни иши.

Сиз бахтли бўламан десангиз, аввалламбор соғлигингизни жойига келтиринг. Ҳадеб куйинаверманг, фойдаси йўқ. Энди эрингиз Йўлдошни унутинг. Сизга ҳам тенгингиз топилиб қолар. Ахир «тешик мунчоқ ерда қолмас», деган мақолимиз ҳам бор-ку. Сиз зиёли аёл экансиз, аёл деган тил маданиятини мукаммал эгаллаган бўлиши керак.

Оила умрбоқий бўлишига асосий сабаб тилдир. Аёлларнинг гўзаллиги ҳам хунуклиги ҳам тил билан. Оилада тил маданияти ҳукмронлик қилар экан, шу ерда тинчлик-осойишталик бўлади.

*Каримжон ТОЖИЕВ,*
*Боёвут тумани*



